

## «Аҳволимиз қийин» деганим учун мағфират қилди



09:17 / 06.10.2019 2957

Али ибн Мадинийдан ривоят қилинади: «Тушимда Холид ибн Ҳорисни оқ либосда кўрдим. «Аллоҳ сизга қандай муомала қилди?» дедим. «Аҳволимиз қийин, деб кўп айтганим учун мени мағфират қилди», деди. Яна сўрадим: «Яҳё ибн Қаттонга-чи, унга қандай муомала қилинди?» «У биздан юқори даражада», деган жавоб бўлди. «Язид ибн Зурайъга қандай муомала қилинди?» деб сўрадим яна. «У Иллийюнда, Аллоҳ таолони ҳар куни икки марта кўради», деган жавобдан ҳайратда қолдим».

**Изоҳ:** Баъзи муфассирлар Қуръони каримнинг оятлари зикр қилинган «иллийюн»ни жаннат, бошқалари «иллийюн»ни еттинчи осмон бўлиб, унда

*вафот этган мўминларнинг руҳлари бўлади, деб тафсир қилганлар.*

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**